

Туркияда 248 йиллик тарихий масжид таъмирланиши режалаштирилмоқда



11:14 / 17.05.2021 2458

248 йилдан бери фаолият юритиб келаётган ва ўзининг ёғоч безаклари билан эътиборни тортадиган «Токмак Ҳасан Пошо» масжиди Ёзгат шаҳрининг Сефаатли минтақаси Пашакеи қишлоғида жойлашган. Ушбу масжид ҳозирда таъмирталаб ҳолга келиб қолган. Бу ҳақда habertürk манбаси хабар берди.

1773 йилда Черкез Меҳмет Бей томонидан қурилган масжид 1895 йилда янгиланган. Тарихий масжиднинг шифти ва деворлари, каштачилик нақшлари бугунги кунгача сақланиб қолгани диққатга сазовордир. Икки йилдан бери ибодат учун ёпиқ бўлган масжидга кўплаб хорижликлар ва маҳаллий сайёҳлар ташриф буюришади.

Пойдеворлар Бош бошқармасига қарашли Пашакеи қишлоғининг Ҳасан пошо маҳалласида тош деворлари бўлган бир қаватли тепаликда жойлашган тарихий масжид 2005 йилда Маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш кенгашининг қарори билан ҳимоя остига олинган. Тарихий масжидни қайта тиклаш ва ибодат қилиш учун қайта очиш кераклигини айтган Пашакеи қишлоғи раҳбари Микаил Бал шундай дейди: «Бу бизнинг 250 йил аввалги тарихий масжидимиз. Бу Туркияда ноёб қурилган, каштачилик ва безаклар билан ишланган масжид ҳисобланади. Умид қиламанки, бу жой қайта тикланади ва унинг имоми келади. Бизнинг аҳоли ва қишлоқ аҳли бу ерда яна ибодат қилади. Бу жой ёпилганидан жуда ҳам афсусдамиз. Бу узоқ тарихга эга ва Туркиядаги нодир масжидлардан биридир».

Қишлоқда яшовчи шаҳар аҳолиси масжид 250 ёшда ва ибодат учун ёпилганлигини айтиб, масжидни қайта тиклаш зарурлигини айтишди.

Хуршид Маъруф тайёрлади